

Онангиз бўлса, айтинг...



11:00 / 09.12.2023 6248

Саҳл Исфаройиний айтади: «Менга Сулайм, яъни Абул Фатҳ Розий айтиб берганди: «Рай шаҳрига сафар қилганида ўн ёш атрофида бўлган экан. Сафари ҳақида ҳикоя қилиб шундай деди:

«Бир шайхнинг олдига бордим, у таълим бериб турган экан. Менга: «Кел, сен ҳам ўқи!» - деди. Фотиҳа сурасини ўқиб беришга роса ҳаракат қилдим, лекин тилим келишмади. Шунда шайх: «Онанг борми?» - деди.

«Ҳа, бор», дедим.

Унга бориб айт: «Аллоҳ Қуръон ва илм билан ризқлантиришини сўраб ҳаққинга дуо қилсин», деди.

Уйга қайтдим, онамдан дуо қилишларини сўрадим, дуо қилдилар. Вақт

Ўтди, улғайдим. Кейин Боғдодга бордим. У ерда араб тили ва фикҳни ўргандим ва яна Рай шаҳрига бордим. Бир масжидда «Мухтасарул Музаний»дан дарс олиб турсам, ҳалиги шайх келиб қолди ва бизга салом берди, лекин мени танимади. Бизни эшитдию нима ўқаётганимизни тушунмади. Сўнг: Эҳ, бунақа илмларни тушунсайдик! деди.

Мен: «Онангиз бўлса айтинг, ҳаққингизга дуо қилсин», демоқчи бўлдим, лекин уялдим.

Имом Субкийнинг «Тобақотуш Шофийя» китобидан.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.